ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ИЛМИЙ КАШФИЁТИ: ТАНҚИД ВА ТАҲЛИЛ

Ж.ҲАСАНОВ

Статья знакомит читателей с судьбой научного открытия Х.Абдуллаева, которое было принято научной общественностью по-разному.

This Article introduces the readers with fate of the scientific opening of H.Abdullaev, which was accepted differently by the people of science.

Ҳабиб Абдуллаевнинг жўшқин самарали ҳаёти ва фаолияти мамлакатимизда геология фани ва бу соҳада миллий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг камол топишига, ер ости бойликларидан халқ фаровонлиги йўлида тўла фойдаланишга, Ўзбекистонда фан-техниканинг равнақ топишига бағишлагани нафақат ўз ватанида, хатто Ғарбу-Шарқ давлатларида эътироф этилган. Ҳамкасбларининг таъкидлашларича, бу инсон фан ва халқ хўжалигининг жуда кўп соҳалари билан қизиққан улардан халқ манфаати йўлида кўплаб фойдаланишга имкон яратган, том маънода ўзининг хаётини илм-фан ҳақиқати тантанаси учун бахшида этган буюк сиймо эди. Унинг илк йирик илмий тадқиқоти – номзодлик диссертацияси Лангар вольфрам молибден руда конининг геологик тузилиши, минералогик таркиби ва келиб чиқишига бағишланган эди. Шунда у эндигина 27 ёшни қаршилаган эди [1; 3]. Унинг ана шу тадқиқоти, илгари сурган илмий фикр-мулоҳазалари геология соҳасида тез танилишига, ҳукумат доиралари эътиборига тушишига сабаб бўлган. Хусусан, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари совети ва Ўзбекистон КП(б) Марказий Қўмитасининг 1943 йил ноябр 1723 сонли қарорида мамлакат саноати учун муҳим бўлган Ўзбекистон ва қўшни республикалар ҳудудида вольфрам конларини қидириб топиш вазифа қилиб қўйилган эди. Ўзбек геология бошқармаси 1 ой ичида вольфрам конларини тадқиқ этиши мавзуида Ўрта Осиё геология мажлиси ўтказиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди [2; 43]. Хукумат томонидан белгиланган режага кўра, ёш Ҳабиб Абдуллаевга Ўрта Осиё шароитида вольфрам саноати ривожи ва вольфрам рудаларидан амалиётда фойдаланиш келажаги, шарт-шароитлари ва Ўрта Осиё шеелитли конлар генезисининг айрим жихатлари бўйича ишлаш вазифаси топширилди.

1946 йилда муваффақиятли химоя қилган **“Ўрта Осиё шеелитли скарнлар геологияси”** (“Геология шеелитовых скарнов Средней Азии”) мавзусидаги докторлик диссертациясида Ўрта Осиёнинг вольфрамли (шеелитли) скарнларининг умумий моҳиятини илмий асослаб беради [1; 14]. Бу ишнинг маз-

мун-моҳияти олимнинг 1946 йилда нашр қилинган “Ўрта Осиёнинг шеелитли скарн конлари геологияси” номли монографиясида янада кенгроқ очиб берилади [3; 5]. Мазкур тақиқот скарнларни ўрганиш бўйича назарий ғояларни ўзида умумлаштириш билан бирга бир қатор янги илмий фаразларни илгари суриши билан олимлар эътиборини тортади.

Ҳабиб Абдуллаевнинг бу йўналишдаги навбатдаги тадқиқотларида конларнинг пайдо бўлишида гранит магмасининг атроф-оҳактошларини эритиб ассимиляция қилишининг муҳим ўрин тутишига геолог олимлар эътиборини қаратди ва “ҳамма эндоген конларнинг манбаи ер ичкарисидаги магма ўчоқларидир” деган ғоясини яна бир карра исботлаб берди. Натижада 1950 йил эълон қилинган унинг **“Рудаларнинг гранитоид интрузиялари билан генетик боғлиқлиги”** [1; 15] ***** номли йирик монографияси геология фанида катта бир инқилоб бўлди [4; 5].

Бу асарда олим руда ҳосил бўлиши ернинг чуқур дарзлик (ёриқлик)лари билан боғлиқ деган эски ғояга қарама-қарши ўлароқ янги, яъни ернинг қаърида рудаланиш асосан магма эритмасининг ёндош тоғ жинслари билан ўзаро модда алмашинувига боғлиқ деган фикрни илгари суриб, уни бой илмий далиллар билан асослаб берди. Бу эса геология фанида москвалик, ленинградлик ва сибирлик олимлар томонидан асос солинган металлогения ва петрология мактабларида узоқ вақт якунига етказилмай келинаётган фаннинг энг долзарб муаммоларини янгича йўл билан ечиш эди [5; 78].

Бу тадқиқот Ҳабиб Абдуллаевга нафақат собиқ Иттифоқда балки, хорижлик олимлар орасида ҳам катта шуҳрат олиб келди. Унда илгари сурилган илмий ғоялар ҳозирги кун геология фанида ҳам кескин мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Аммо

*Бошқа таржималарда “Маъданлаштиришнинг гранитоид интрузиялари билан генетик боғлиқлиги” / “Руда ҳосил бўлишининг гранитоид интрузиялар билан генетик алоқаси”/ “Рудаларнинг гранитоид интрузиялари билан генетик боғлиқлиги” (“Генетическая связь орудения с интрузиями”)

ҳозирги ҳамдўстлик давлатларининг айримларида геология фани металлогеник мактабларда Ҳабиб Абдуллаев илгари сурган ғоялар қабул қилинган ва амалда қўлланилиб келинмоқда [6; 7-10].

Геология фанининг энг долзарб масалаларига бағишланган мазкур асар ўша вақтда Тошкент, Москва, Ленинград (ҳозирги Санкт Петербург), Боку ва бошқа йирик шаҳарларда катта тортушувларга сабаб бўлди. Ҳ.Абдуллаев ўзининг янги фикр, ғоя ва илмий фаразларини ҳимоя қилиб бир неча бор собиқ Иттифоқнинг бир талай илмий марказларида очиқ илмий баҳс-мунозараларда қатнашди. Ўзининг илмий позициясида мустаҳкам турди, уни ҳар қандай хуружлардан сақлай олди. Ҳатто унинг диссертация оппонентлари ҳам илмий журналларда, танқидий чиқишлар қилишгача бориб етдилар. Бироқ, унинг тарафдорлари, марказдаги айрим йирик академиклар – Д.В.Наливкин, Д.И.Щербаков, Ю.А.Бибилин, Д.С.Корженский, республикадаги маслакдошлари Ғ.Мавлонов, О.Акрамхўжаев, И.Ҳамробоев ва бошқалар имкон қадар унинг ғояларини қўллаб-қувватлаб турдилар.

Олимнинг 1953 йил апрел ойида, “Правда” газетаси муҳарририга ёзган мактубида 1950 йил июлда нашр қилинган монографияси геология фанининг энг баҳс-мунозарали масалаларига бағишлангани, жуда оз тиражда нашр қилингани, биринчи нашрдан сўнг СССР ФА қўшма мажлисида муҳокамадан ўтказиб, қайта тузатишлар билан нашр қилмоқчи бўлгани қайд қилинган [7; 1].

Бироқ айрим геолог олимлар гуруҳи (В.Э.Поярков, А.В.Пуркин, Н.В.Нечелюстов ва бошқ.) Ҳабиб Абдуллаевга бир қатор айблар қўйдилар. Жумладан, 1951 йил январ ойида Геология институтида бўлган илмий кенгашда илмий ходим Г.Г.Грушкин сўзга чиқиб Ҳабиб Абдуллаевга фанда совет олимларининг эмас, капиталист олимлар назариясини қўллаб-қувватлаган, ўшалар билан фикр алмашган деган айблар қўйди [7; 2]. Кўп ўтмай бу оппонентлар ўз маърузаси мазмунини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Фан бўлимига юборишган. Натижада 1951 йил мартида СССР ФА Геология фанлари институтида мазкур монографиянинг очиқ муҳокамаси бўлиб ўтади ва баҳс-мунозарлар матни СССР ФА Ахборотномасининг 1951 йил 4-сонида чоп қилинади.

Ҳ.М.Абдуллаевга қўйилган айбнинг асоссизлиги ўша вақтдаёқ СССР Фанлар академияси Геология ва география бўлимининг академик котиби академик Д.С.Белянкиннинг Ҳабиб Абдуллаевга ва олимнинг унга ёзган мактубларида ва СССР Олий аттестация комиссияси Пленумининг шу масала юзасидан берган хулосасида очиқ ойдин кўрсатиб ўтилган [8; 23-24, 121-123]. Бундан ташқари, иттифоқдаги кўплаб геолог олимлар ва мутахассислар ҳам Ҳабиб Абдуллаевнинг чиндан ҳам янги назария яратганлигини эътироф этишга мажбур бўлганлар.

Бироқ Г.Г.Грушкин Ҳабиб Абдуллаевни плагиатликда айблаб бир неча бор “Правда” газетасига мактублар йўллаган. Жумладан, 1952 йилда Г.Г.Грушкин КПСС МҚ Фан бўлимига хат ёзиб Ҳабиб Абдуллаевнинг 1939-1941 йиллардаги илмий ишларини плагиатлик асосида ёзилган, деб айб қўяди. Ҳабиб Абдуллаевнинг таъкидлашича, Г.Г.Грушкин шундай мазмунда 10 га яқин мактублар ёзиб турли муассасаларга юборган.

Гарчи Ҳабиб Абдуллаевнинг айби исботланмаган бўлса-да, бу олимнинг соғлигига салбий таъсир ўтказди. Ҳатто бу воқеадан Ҳабиб Абдуллаевнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президентлигига қўйилганда ҳам унинг айрим мухолифлари ўз мақсадлари йўлида фойдаландилар. Ўша вақтда айрим институт ва илмий бўлимлар раҳбарларнинг ишда ўзини кўрсатишга бўлган интилиши ва ўзбошимчалик билан иш олиб бориши, ўз мақсадларига эришиш учун “марказга” турли иғволар етказиши албатта Ҳ.Абдуллаевнинг бошлаган ишини охирига етказишига тўсқинлик қилди. Лекин, олим ўз мақсадларини амалга оширишда ўша даврнинг қийинчиликларидан, сиёсий-мафкуравий босимлардан қўрқмай олдинга ҳаракат қилди, ўз соғлиги ва ҳузур ҳаловатидан кечиб фан йўлида, юрт фаровонлиги учун жасорат кўрсатиб халоли-пок хизмат қилди, эл-юрт ҳурмати ва эҳтиромини қозонди.

1954 йилда унинг юқорида зикр этилган монографияси қайта чоп этилиши унинг дунё миқёсидаги йирик олимлари қаторидан жой олишига олиб келди. Мазкур иши туфайли 1958 йилда Ҳабиб Абдуллаев СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланди. 1957 йилда тадқиқот геолог олимлар – Сюй Цэй-ман, Хуан Юан-хуа, Мэнь Сяньмин ва Се Цзя-жун тарафидан хитой тилига таржима қилиниб, Пекинда нашр қилинди [3; 7].

Хулоса қилиб айтганда XX асрнинг 50-йилларида ёзилган бу асар ўз даврининг геология фанида муҳим назарий кашфиётларидан бири эди. Лекин бу асар асл ўзбек фарзандининг ижодий тафаккур маҳсули бўлганлиги учун ҳам ўша даврнинг баъзи олимлари ва ҳамкасбларини кўролмаслик оқибатлари натижасида зиддиятларни келиб чиқишига сабаб бўлди. Аммо бу асарнинг ўша даврдаёқ дунё олимлари томонидан муҳим назарий кашфиёт сифатида эътироф этилгани барча зиддиятларга чек қўйди.

АДАБИЁТЛАР:

1. ЎзР МДА. 2575-жамғарма, 1-рўйхат, 160-иш.
2. ЎзР МДА. 837-жамғарма, 32-рўйхат, 3746-иш.
3. Роль члена-корреспондента АН СССР академика АНУзССР профессора Х.М.Абдуллаева в развитии геологической науки в Узбекистане. // Узбекский геологический журнал. 1963. №3.
4. Хамрабаев И.Х., Шаякубов Т.Ш., Усманов Ф.А., Лордкипанидзе Л.Н., Мирходжаев И.М., Воронич Т.М. Академик Хабиб Абдуллаев – верный сын узбекского народа // Геологии и минеральные ресурсы. 2002. №3.
5. Эгамбердиев М. Йўлчи юлдуз // Ҳизр назар қилган олим.
6. Исаходжаев Б.А., Голованов И.М. Научное наследие Х.М. Абдуллаева и современные проблемы металлогении и прогнозирования // Геологии и минеральные ресурсы. 2002. №3.
7. Главному редактору газеты «Правда». ЎзР МДА. 2575-жамғарма, 141-рўйхат, 160-иш.
8. Абдуллаева Ф. Донишманд. Сирли олам сирлари; Абдуллаева Ф. Эл фарзанди // Шарқ юлдузи. 1987. №2.

Андижон давлат университети
2010 йил 11 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Р.Шамсутдинов)